

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 22 декабрь, № 247 (5414) Пайшанба


Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 1 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ер ости бойликлари тўғрисида»**ги 2018–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **26-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда дарёларнинг ўзанларини, каналлар ва коллекторларни тозалашда лицензия олиш талаб қилинмайди»;

2) **27-модда**:

**тўртинчи қисмидаги** «бешинчи қисмида» деган сўзлар «бешинчи ва олтинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Геологик жиҳатдан ўрганиш, тажриба-саноат йўсинида кавлаб олиш, норуда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича комиссияси томонидан берилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 21 декабрь
№ ЎРҚ—310

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда) **285-моддаси иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «ҳалол йўл билан топган пулига сотиб олган шахсга» деган сўзлар «инсофли эгалловчига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

## мустақиллик йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди

***Ёшларимиз замонавий билимларни пухта ўзлаштириш, етук интеллектуал салоҳият ва истеъдод соҳиби бўлиб камолга етиш мақсадида астойдил ўқиб-изланмоқдалар. Зеро, касб-ҳунар ўрганиш, маънавий дунёқарашни кенгайтириш, илм-фан, санъат, спорт каби йўналишларда ҳавас қилса арзигулик ютуқларни қўлга киритиш шижоатли йигит-қизлар дилидаги эзгу муддаолардандир.***

### «Келажак овози — 2011»

Келажак сари интилаётган навқирон авлод вакилларига юксак ғамхўрлик кўрсатиш эса юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунинг тасдиғи сифатида таълим тизими ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жойларда бунёд этилган жаҳон андозаларига мос муҳташам ўқув масканлари, иқтидор ва қобилиятини кенг миқёсда намоён этиши учун ёш авлодга яратиб берилаётган беқиёс имкониятларни тилга олишимиз мумкин.

Бугун бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчиллик билан амалга оширишда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази сингари ташкилотлар фаоллик кўрсатмоқда. Етти йилдирки, “Фонд Форум” ташаббуси билан ўтказилаётган “Келажак овози” республика кўрик-танлови ёшларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини амалиётга татбиқ қилиш, шаҳару қишлоқларда камол топаётган истеъдодли йигит-қизларни кашф этиш ҳамда уларнинг келгусидаги режа ва мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётир.

Кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган “Келажак овози” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида ҳам шу хусусда сўз борди. Таъкидланганидек, мазкур танловда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи йил сайин кенгайиб, беллашув нуфузи тобора юксалмоқда. Биргина жорий йил мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу гал кўрикда 76 минг нафардан зиёд йигит-қиз қатнашди. Яъни иштирокчилар сони ўтган йилдагига нисбатан 5 минг нафар кўп бўлди.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидор соҳиблари тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика, архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналишлари бўйича ўзаро беллашди. Тадбирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичларида фаол қатнашиб, маҳоратини намоён этган ёшлар якуний босқичга йўлланмани қўлга киритдилар.




Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросимида эса 45 нафар иқтидор соҳибига диплом ва мукофотлар топширилди.

— Танловда фермерлик ва агросаноат соҳасини кўп тармоқли фаолият турига айлантиришга бағишланган тақдимот билан иштирок этдим, — дейди Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти талабаси, “Келажак овози — 2011” кўрик-танлови ғолиби Улуғбек Маликов. — Лойиҳамда қишлоқ жойлардаги уйларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, яъни кичик тикув цехи, сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси каби объектлар фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш таклифи илгари сурилган.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОН ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЕТАКЧИЛАРДАН БИРИ БЎЛИШГА ҲАҚЛИДИР»

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” халқаро симпозиумидаги маърузаси юзасидан хорижий мамлакатларнинг сиёсий, эксперт-таҳлил ҳамда илмий доиралари вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.***

### Дунё нигоҳи

Жумладан, **Европа педиатрлари уюшмасининг вице-президенти, Европа педиатрлари илмий қўмитаси президенти Мануэль Мойя** қайд этганидек, симпозиумнинг биринчи йиғилиши доирасида соғлиқни сақлаш идоралари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг минтақавий офиси ҳамда ЮНИСЕФ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати нафақат Ўзбекистонда, балки мазкур халқаро тадбир қатнашчиси бўлган бошқа давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилашга йўналтирилган муҳим масалалар муҳокамасига бағишланганлиги билан эътиборлидир.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оналик ва болаликни, мамлакат келажаги — ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш даражасини янада юксалтириш бўйича ташаббуслари билан яқиндан танишганидан мамнун бўлганлигини таъкидлади.

**Харьков Тиббиёт академиясининг илмий-педагогик ва халқаро ишлар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Владимир Карпенко** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида давлат томонидан соғлиқни сақлаш тизимига кўрсатилаётган ғамхўрлик, энг муҳими, унинг устувор йўналиши бўлмиш оналик ва болалик муҳофазасига муносабат аниқ-равшан ўз ифодасини топганини қайд этди.

В. Карпенконинг фикрича, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ўзининг ижобий натижаларини берди. Буни, айниқса, оналар ва болалар ўлими даражасининг пасайгани, янги туғилган чақалоқлар ҳамда болалар ўртасида юқумли касалликларнинг камайганида кўриш мумкин. Ҳатто, республиканинг аҳоли яшайдиган чекка ҳудудларида ҳам қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритмоқдаки, маҳаллий халқ малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эгадир. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси эришган ютуқлардан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

***Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментида матбуот анжумани ўтказилди.***

## Суд қарорлари ва ижро масъулияти

Унда таъкидланганидек, суд қарорлари ижросини таъминлашда 2001 йили қабул қилинган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ушбу Қонунга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, 10 га яқин қарорлар ҳамда 40 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, улар бугунги кунда соҳани янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).



# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Харидоргир бўёқлар

***ХОРАЗМ вилоятида жорий йилнинг январь — ноябрь ойларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 200 та корхона томонидан 22 миллиард 299 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.***

Яқинда бундай корхоналар қаторига лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Сатин-Индустриал” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Тадбиркор Шавкат Полвонов саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур корхонада ҳозир ойига ўртача 35 миллион сўмлик пардозлаш материаллари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаётир.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Саноат салоҳияти ошмоқда

***НАМАНГАН. Уйчидаги иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган йигирув-тикув корхонаси молия муассасаси кўмагида ўз фаолиятини қайта тиклади. Пировардида 170 киши иш ўрнига эга бўлди.***

Ушбу “Каптекс” масъулияти чекланган жамиятининг оёққа туриб олиши учун “Капиталбанк”нинг 11 миллиард сўмлик сармояси сарфланди. Эндиликда бу ерда йилига 10 минг тонна ип йигириш қувватига эга илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулот тўлиқ экспортга чиқарилади.

Эътиборлиси, ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида уйчиликлар жорий йилни 63 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлаш билан якунламоқдалар.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қаршининг хуштаъм қандолатлари

***ҚАШҚАДАРЁ вилоятида озиқ-овқат корхоналари томонидан шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 132 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.***

Қарши шаҳрида “Садаф-қандолат ишлаб чиқариш” масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Ушбу лойиҳа корхонанинг ўз маблағи ҳисобига рўёбга чиқарилди. Шунингдек, банкдан олинган 100 миллион сўмлик кредит эвазига ишлаб чиқариш қувватлари оширилмоқда. Айни пайтда корхонада кунига ярим тоннагача ширинликлар тайёрланаётир.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Замонавий спорт мажмуаси

***СИРДАРЁ. Янги йил арафасида Ховос тумани марказида замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Уни бунёд этиш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 147 миллион сўм сарфланди. Эндиликда ховослик ёшлар бу ерда бадиий гимнастика, волейбол, футбол, стол тенниси каби спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Икки баробар ўсиш

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИдаги минитехнологияларга асосланган кичик корхоналарда йилига қарийб 9 минг тонна сут қайта ишланмоқда.***

Бу турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми сўнгги уч йил давомида салкам икки баробарга ўсганлиги, айниқса, эътиборлидир.

Зангиота туманидаги “Шокарим ҳожи” фермер хўжалигида ҳам сутни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди. Ушбу лойиҳа банкнинг 300 миллион сўмлик кредити эвазига молиялаштирилди. Ҳозир корхонада кунига 5 тонна сутдан 9 турдаги сифатли ва харидоргир маҳсулотлар тайёрланмоқда.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Азиз газетхон!
Севимли нашрингиз —
«Халқ сўзи»га
2012 йил учун
обуна давом этмоқда
Нашр индекси: 229

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1) **137-модданинг ўзбекча матнидаги** «кашфиётчиларга» деган сўз «ихтирочиларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **512-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни** «(рента тўловчига)» деган сўзлардан кейин «мулк қилиб» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **1056-модда еттинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «кашфиётларни» деган сўз «ихтироларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»**ги 535–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 4-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **13-модда** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ушбу муддатнинг ўн икки ойга узайтирилишига йўл қўйилади»;

2) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «йигирма тўрт ой муддатгача» деган сўзлар «уни санация қилиш муддатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар) **175-моддасининг матнидаги** «халқ таълими бўлимларига» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **34-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киради».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»**ги 678–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 178-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 309-модда) **19-моддаси номи** ва **биринчи қисмининг ўзбекча матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**19-модда. Маданий бойликларни инсофли эгалловчининг ҳуқуқлари**

Бошқа мамлакатлардан қонунга хилоф равишда олиб чиқилган, бошқа давлатларда ўғирланган ёки йўқолган маданий бойликларни инсофли эгалловчи уларни қонуний мулкдорига қайтариши лозим. Бундай ҳолларда инсофли эгалловчига белгиланган тартибда компенсация тўланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**ги 123–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 215-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахсларга» деган сўзлар «юридик шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **16-модданинг**:

**учинчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахсларга» деган сўзлар «юридик шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «юридик ва жисмоний шахслар» деган сўзлар «юридик шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «эллик» деган сўз «қирқ» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **34-модданинг ўнинчи қисмидаги** «учинчи ва ўн учинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар» деган сўзлар «ўн иккинчи хатбошисида кўрсатилган масала» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–42-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 372-модда) **19-моддаси еттинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «кашфиётларни» деган сўз «ихтироларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–269-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 469-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 21 декабрь
№ ЎРҚ—311

# «ЎЗБЕКИСТОН ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЕТАКЧИЛАРДАН БИРИ БЎЛИШГА ҲАҚЛИДИР»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Шунингдек, Президент Ислом Каримов симпозиум иштирокчилари диққатини маънавий соғлом ёш авлод тарбиясида оиланинг тутган ўрнига қаратди. Ишончим комилки, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг бу илғор ривожланиш модели жаҳондаги кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади, чунки давлат ўз халқининг саломатлиги ҳақида жиддий қайғураётгани катта ҳурмат ва эътиборга сазовордир”, деди профессор В. Карпенко.

**Россия Тиббиёт академиясининг болалар неврологияси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор В. Зиков** фикрича, Ўзбекистон оналик ва болалик муҳофазаси бўйича нафақат Ўрта Осиё минтақасида, балки бутунжаҳон миқёсида етакчилардан бири бўлишга ҳақлидир. “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг ҳисоботи шуни кўрсатдики, “Болаларни асрайлик” (“Save the children”) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида 161 давлат орасида Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилган. Бу эса республикада улкан салоҳият, давлат олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун интизом ва масъулият билан ёндашувнинг мавжудлигидан далолат беради. Бундан алалоқибатда мамлакат аҳолиси наф кўради”, деди В. Зиков.

**“Health care Malaysia” журнали бош директори, доктор Мари Вонг** хонимнинг фикрига кўра, бугунги кунда дунё Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган ва эришаётган янгидан-янги муваффақиятлари ҳақида, шу жумладан, тиббиёт ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари тўғрисида кўпроқ билмоқда. Мари Вонг хонимнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ўтказилган изчил ислоҳотлар натижасида мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича яхлит ташкилий-институционал тизим яратилганки, у соғлиқни сақлашнинг барча жабҳаларини, шу жумладан, қишлоқ жойларни ҳам қамраб олган.

**«Жаҳон» АА.**

# СУД ҚАРОРЛАРИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Суд департаментида кадрлар захирасининг шакллантирилиши ҳамда суд ижрочиси лавозимига номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда, — дейди Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари Толибжон Орзиев. — Қолаверса, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ижрочиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда яқиндан ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, олий юридик таълим муассасалари ўқув дастурига “Ижро иши юритуви” фани киритилди. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, суд қарорлари ижросини таъминлаш тубдан ўзгармоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида муассасамизга келиб тушган ҳужжатларнинг бир миллион 700 мингтаси ижроси таъминлангани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Тадбирда судларни моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш ҳамда ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Жумладан, юртимизнинг барча ҳудудларида суд ижрочилари томонидан ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Уларда, аввало, ижро иши юритишга оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

***Урганч шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросининг Хоразм вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.***

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кенг имтиёз ва кафолатлар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий пойдевор яратилиб, шу асосда кўламли ислоҳотлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда иқтисодиётни ислоҳ этиш бўйича 400 дан зиёд қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қўл келаётир. Негаки, ушбу ҳужжатлар билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари мустаҳкамланди, мулкий дахлсизлиги таъминланди, уларнинг фаолиятига нисбатан ҳар қандай аралашувни бартараф этиш, энг асосийси, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришга катта эътибор қаратилди.

Тадбирда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ушбу йўналишда қатор чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилгани айтиб ўтилди. Хусусан, Президентимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги ғоя ҳамда таклифлар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилинмоқда. Энг муҳими, хусусий мулкнинг ишончли ҳимояси, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш механизми такомиллаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳити яратилди.

Йиғилишда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида ҳам бир қатор ишлар бажарилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Воҳа иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши сезиларли равишда ортиб бормоқда. Чунончи, жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 68,7 фоизни ташкил қилиб, саноатда 32,5, қишлоқ хўжалигида 99,4, қурилиш ишларида 89,1, чакана савдо айланмасида 45,6 фоизга етди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятида айрим камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатадиган коммунал тизимдаги носозликлар ва бошқа муаммоларни камайтиришга қаратилган аниқ режалар ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Парламент ҳаёти**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамкорлигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг Қашқадарё ва Жиззах, шунингдек, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.**

# ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ – ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Йиғилишда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада, айниқса, соҳанинг қонунчилик асослари яратилгани ҳамда изчил такомиллаштирилиб борилаётгани диққатга сазовор.

Юқорида номлари зикр этилган қонун ҳужжатлари ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари парламент аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мутасадди раҳбарлар ахборотлари тингланди.

— Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, муайян ишлар амалга оширилган, — деди депутат Т. Тошбоев. — Жумладан, соҳада жамоатчилик назорати йўлга қўйилган. Айни чоғда биологик ресурсларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот, мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уни такрор етиштиришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш бўйича тегишли чоралар кўрилгани қайд этилди. Шу билан бирга, мазкур вилоятларда Қонун ижросини таъминлаш борасида камчиликлар ҳам мавжудлиги, чунончи, тизимда фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини оширишга эътиборни янада кучайтириш мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича ҳам қатор тадбирлар бажарилгани айтиб ўтилди.

— Сув қадим-қадимдан ҳаёт давомийлигини таъминловчи муқаддас неъмат бўлиб келган, — деди сенатор М. Юлдашов. — Шу боисдан уни кўз қорачиғидек авайлаб асраш барчамизнинг бурчимиздир. Қонун ижроси ўрганилган вилоятларда ҳам сув объектларини муҳофаза қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий талаблар бажарилиши бўйича кузатувлар олиб борилгани замирида мана шу мақсадлар мужассам. Натижада бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган.

Шунингдек, тадбирда ҳудудлардаги мавжуд оқова сувларни тозалаш иншоотларидаги бугунги аҳвол талаб даражасида эмаслиги ҳам танқид остига олинди. Мазкур иншоотлар самарадорлигини оширишга эътиборни кучайтириш, мавжуд муаммоларга ечим топиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилиб, қўшма қарор қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

**мустақиллик йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди**




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танлов ҳайъати ушбу тақдимотни долзарб мавзудаги ўзига хос чиқиш сифатида эътироф этганлиги, ғолибликка муносиб деб топилганим кўпдан буён орзу қилган ютуғимдир. Умуман, беллашувда қатнашиш дўстлар орттириш, ижодий янгиликлар билан танишиш асносида келгусидаги фаолиятимда асқотадиган бир нечта ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини ҳам берди.

...Тадбир доирасида “Фонд Форум” ва “Меҳр нури” жамғармаларининг “Таълим грантлари”, “Иқтидорли талабалар учун стипендиялар”, шунингдек, “Спорт грантлари” дастурларида ғолиб, деб топилган 205 нафар истеъдод эгасига ҳам совринлар топширилди.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган энг фаол ва ташаббускор ёшларга молиявий кўмак бериш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур дастурлар грантлари минглаб талабалар учун моддий ва маънавий рағбат бўлди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида таҳсил олаётган Нодира Абдураҳмонова ҳам якунига етаётган йилда ана шундай имтиёзни қўлга киритди. Аниқроғи, у “Иқтидорли талабалар учун стипендиялар” дастурининг ғолиблик сертификатига эга бўлди.

— Юртимизда ўтказилаётган бу каби нуфузли танловлар биз, ёшларни янгидан-янги ютуқлар сари ундамоқда, — дейди Нодира. — Шахсан ўзим бундан тўрт йил аввал “Келажак овози” танловида ғолиб бўлган эдим. Аъло баҳоларга ўқиб, мусиқий билимларимни янада бойитиш йўлида изланганим боис иқтидорли талаба сифатида эътироф этилдим. Бундан жудаям хурсандман.

“Келажак овози — 2011” республика кўрик-танловининг якуний босқичи ва грантлар ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ («Халқ сўзи»),**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

***Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эълон қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий шериклигининг энг яхши намунаси” ва “Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий шериклиги намунасини ёритувчи энг яхши мақола” танловлари якунланди.***

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Натижалар қуйидагича:

**“Нодавлат нотижорат ташкилотлар ижтимоий шериклигининг энг яхши намунаси”** танлови ғолиблари:

1-ўрин: Тошкент иссиқлик электр станцияси касаба уюшма қўмитаси;

2-ўрин: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси;

3-ўрин: Фарғона вилояти, Фарғона тумани “Башорат” номли ижтимоий мослашув маркази.

**“Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий шериклиги намунасини ёритувчи энг яхши мақола”** танлови ғолиблари:

1-ўрин: “Ҳуррият” газетаси таҳририяти;

2-ўрин: “Жамият” газетаси таҳририяти;

3-ўрин: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази.

**ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг** | УН олий нав 847,8 ▲ +2,7 | УН биринчи нав 640,0 ▼ -14,3 | УН иккинчи нав 585,9 ▼ -8,5 | ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +2,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▲ +0,01

## АКАДЕМИК ТОЙМАС ЙЎЛДОШБОЕВ



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Физика соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тоймас Йўлдошбоев 2011 йил 19 декабрь куни 80 ёшида вафот этди.

Т. Йўлдошбоев 1931 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1954 йили Москва давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институти аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Ўзининг 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Т. Йўлдошбоев Фанлар академиясининг Физика-техника институти ва Ядро физикаси институти лаборатория мудири, Тошкент алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) проректори, Астрономия институти директори каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатди ва юртимизда юксак малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Атоқли олимнинг космик нурлар ва юқори энергия қувватлари физикаси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишлаб ёзган мақола ва рисолалари, амалга оширган илмий ихтиролари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Заҳматкаш олим жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Жумладан, унинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ фан номзоди ва фан доктори тайёрланди.

Академик Т. Йўлдошбоевнинг мамлакатимиз илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тоймас Йўлдошбоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИҲОВ**

***Бугун кундалик ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, шиддат билан ривожланаётган давримизда унинг аҳамияти ва қадри тобора юксалиб бормоқда. Айниқса, ҳар бир соҳага замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилаётгани, жойларда кўплаб ишлаб чиқариш линиялари фойдаланишга топширилаётгани, ўз навбатида, электр қувватига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлаяпти.***

# ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ВА ИСТИҚБОЛ

Ана шундай шароитда тараққиётни таъминловчи электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, уни исроф қилишга йўл қўймаслик ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Шу билан бирга, Юртбошимиз раҳнамолигида истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудратини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган йўналишлар қаторида электроэнергетика тизимини модернизация қилиш борасида қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, электр қувватининг истеъмолчиларга узлуксиз равишда ҳамда сифатли етказиб берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада "Ўзбекэнерго" Давлат акциядорлик компаниясига қарашли "Ўзэлектртармоқ" унитар корхонасининг Марказий магистрал электр тармоқлари жамоаси томонидан олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Ўз фаолиятини, асосан, иссиқлик ва гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилган электр энергиясини ҳудудий электр тармоқларига етказиб беришга йўналтираётган мазкур корхона тизимида айни пайтда 732 нафар ходим иш билан банд. Улар 220-500 кВли мавжуд 15 та нимстанция орқали Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари аҳолисини электр энергияси билан таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, корхона жамоаси Президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011/2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида соҳага қарашли мавжуд бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлашга алоҳида эътибор қаратишди. Натижада "Қўйлиқ" ва "Тракторсоз" нимстанциялари бошқарув пульти биноси тўлиқ реконструкция қилинди. "Адолат", "Қўйлиқ" ва "Озодлик" нимстанцияларидаги 110-220 кВли очиқ тақсимлаш қурилмалари, металл порталлари ҳамда ажратгич ва шкафлар коррозияга қарши қопламалар билан муҳофазаланди.

— Жамоамизга ёш мутахассисларни жалб қилишга, уларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Суннатулла Юсупов. — Жумладан, яқинда 30 нафар йигит-қизни ишга қабул қилдик. Ҳозир улар Ходимлар тайёрлов марказида тажриба орттиришмоқда. Бу ерда ёш кадрларнинг соҳа сирларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, бадиий ва техник адабиётлар жамланган кутубхона, замонавий компьютер жамланмалари билан жиҳозланган махсус хоналар улар ихтиёрида. Қолаверса, тажрибали мутахассисларимиз электр қурилмалари ҳамда ҳаво линияларида хавфсиз иш олиб бориш юзасидан сабоқ бермоқда. Эътиборлиси, бундай саъй-ҳаракатлар беиз кетаётгани йўқ. Корхонанинг 4 нафар ёш ходими Пенза шаҳрида Ҳамдўстлик давлатлари миқёсида ўтказилган анъанавий энергетиклар кўригида муваффақиятли иштирок этиб қайтгани фикримиз тасдиғидир.

Бинобарин, корхона жамоасининг самарали меҳнати давлатимиз томонидан ҳам муносиб рағбатлантириб келинмоқда. Жорий йилда Равшан Мирзаев, Тоҳир Исоқов "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган бўлса, 6 нафар ходим "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан таъсис этилган "Энергетика фахрийлари" унвонига сазовор бўлди. Бу каби юксак эътибор ва рағбат жамоанинг миллий энергетика тизимини янада мустаҳкамлаш борасидаги ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Корхона касаба қўмитаси томонидан ҳам мутахассисларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида нафақага чиққан 26 нафар ходимга 100 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчиларнинг меҳнат таътили даврида мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида уларга дам олиш масканларига йўлланмалар берилмоқда. Мамлакатимиздаги тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилаётир.

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳа истиқболи, энг аввало, ходимларнинг фидойилиги, жонкуярлиги ва изланувчанлигига боғлиқ. Зотан, хайрли ташаббуслар, эзгу саъй-ҳаракатлар тараққиётни таъминловчи муҳим омиллардир. Ана шундан келиб чиқиб, Марказий магистрал электр тармоқлари корхонаси жамоаси ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида астойдил бел боғлаб, хизмат қилмоқдалар.

**Марям АҲМЕДОВА.**

## Гўзал рақслар, нафис ҳаракатлар

**Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида "Гимнастика барча учун" Ўзбекистон очиқ чемпионати бошланди.**

**Спорт**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур мусобақада 300 нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда. Иштирокчилар бадиий ва спорт гимнастикаси, трамполин, фольклор, замонавий рақс каби бир қатор йўналишларда ўз имкониятларини синовдан ўтказишаётир.

Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Ф. АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2011 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДАН 16 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

11. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 14 декабрдаги 274-мҳ-сонли буйруғи.*

**2011 йил 14 декабрда 2299-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

12. «1997 йил 29 апрелдаги 335-сонли Гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш бўйича йўриқномага 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 5 декабрдаги 75-сонли буйруғи.*

**2011 йил 14 декабрда 335-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

13. «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 ноябрдаги 69-сонли буйруғи.*

**2011 йил 14 декабрда 1882-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

14. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34/7-сонли қарори.*

**2011 йил 14 декабрда 2093-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

15. «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34/5-сонли қарори.*

**2011 йил 14 декабрда 2014-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

16. «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34/6-сонли қарори.*

**2011 йил 14 декабрда 1291-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

17. «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34/4-сонли қарори.*

**2011 йил 14 декабрда 573-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2011 йил 24 декабрдан кучга киради).**

*(Давоми бор).*

• Реклама ва эълонлар •

«ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ»
ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ



Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун
ЛИЗИНГ 1 йилдан 5 йилгача
Қурилиш техникаси
Махсус транспорт
Қурилиш асбоблари
Кичик механизация воситалари
Технологик жиҳозлар
Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.
Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

2012 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:
- ТРУБА ЁТҚИЗГИЧ PipeLineMan PMGY-70,
- ҒИЛДИРАКЛИ ЭКСКАВАТОР DOOSAN,
- 25 тонна ЮК КЎТАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСАМОСВАЛ.

ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5М,
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛАГИЧ БОЛТАЛАР.

КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:
- ЮК ОРТГИЧ ЭКСКАВАТОР CHANGLIN WZ 30-25,
- ФРОНТАЛ ЮК ОРТГИЧ CHANGLIN ZL50H,
- ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб. м,
- КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ: ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.

Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин Водий к., 29-«А» уй.

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.




Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-73-72, моб.: 189-95-41, т./ф.: (8-371) 250-51-04.
1627R/1788

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**I.** Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 3 августдаги ЖСҚ-1-288/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 5-даҳа, 11-уй, 102-хонадонда жойлашган, умумий майдони 92,71 кв.м. бўлган 4 та хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 57 206 196 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 8 июлдаги 1-12360/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Кашшоф кўчаси, 22-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 93,34 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонаси, умумий майдони 69,15 кв.м. ойнали даҳлиз, ертўла, ошхона, омборхонадан иборат, бундан ташқари, ҳовлида литер Г, Г, Е, Д, Д, А3, Е1, Ж, З, И, К, Л остида белгиланиб, қурилган иморатлар бўлиб, умумий фойдаланиш майдони 137,42 кв.м., бундан 4 та яшаш хонаси майдони 97,55 кв.м., даҳлиз, омборхона, ертўла, ойнали айвон, 5 та очиқ айвон, 2 та бостирмадан иборат хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 77 812 500 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 24 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 20 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: RR-0001.*
1742R/773

"Росагропромснаб" МЧЖ
ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ
ЭЛЕКТРОН ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
УБСГ 001 (G4, G6, G10), АГАТ (G16, G25), ГОБОЙ-1 (G10, G25, G65)




• 5 $м^3$/соат дан 500 $м^3$/соат гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
Маҳсулот сертификатланган.
Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй. (мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)
1626R/1788

Standard Insurance
Лицензия СФ № 00154
2011 йил 26 май

Корхоналар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги

**«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги

Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида «Standard Insurance» МЧЖ томонидан корхоналар/иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда.

Суғурта агентларини суғурта шартномаларини тузиш учун ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.

***«Standard Insurance» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари марказларида ўз минтақавий филиалларига эга.***

Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 31-уй.
Телефонлар: (+998 71) 281-55-26 (71), 281-56-03 (18), (+998 97) 785-99-33, 483-99-33. Факс: 281-55-27.
1414R/1224

GidroSpetsKrovlya
ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ
наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:
ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканой основе.
Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.



ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.
1547R/1299

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси ҳисобхона ҳисобчиси Гулнора Умаровага укаси

**Алишер УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Табиий ва кимёвий толаларни йигириш кафедраси доценти Қобил Ғофуровга акаси

**Тўхтасин ота ҲОШИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 379,9 ▼ -11,0 | ШРОТ 304,5 ▼ -4,3 | ШЕЛУХА 125,0 ▼ -2,4 | ПОЛИЭТИЛЕН В-У 460 4013,1 ▲ +263,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3352,8 ▼ -220,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3588,7 ▼ -168,9 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 2065,9 ▼ -266,4 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0 |

ОАТ «Алоқабанк» жамоаси сизларни яқинлашиб келаётган 2012 йил билан чин дилдан қутлайди!

Янги йилда барча орзуларингиз амалга ошиб, эзгу ниятлар ҳамроҳингиз бўлсин! Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод, оилаларимиз мустаҳкам бўлсин!

Янги йил арафасида Сиз, азизларга янги — «АЗИЗ ОИЛАМ» ва «ОМАД» омонатларини таклиф этамиз.



ALOQABANK
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN
2012
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

2012
«Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси
барча юртдошларимизни тобора яқинлашаётган Янги – 2012 йил билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Янги йил қутлуғ келсин, кўзлаган эзгу мақсадларингизга эришишингизда ҳамиша омад ёр бўлсин. Хонадонларингизни тотувлик, бахт, қувонч асло тарк этмасин!
Янги йилингиз муборак бўлсин!

*Юртдошларимиз бугун табиатнинг ажойиб ҳодисасига гувоҳ бўладилар. Гап шундаки, йилнинг энг узун туни, шаби ялдони кутиб оладилар. Соат 16.57 да уфққа бош қўйган офтоб эртага 07.46 да жумлаи жаҳонни яна чароғон қилади. Тун узунлиги 14 соату 48 дақиқани ташкил этади. Бу қуёш тоғ эчкиси буржига оғиб, ҳижрий-шамсий йил тақвими ҳисобига кўра, жадий кирганидан далолатдир.*

# ЙИЛНИНГ ЭНГ УЗУН ТУНИ

Бурж

Одатда, тун узайиши мезон ойи кириб, тун ва кун тенглашган пайт — 22 сентябрда бошланади. Ой охирига бориб, тун ҳукмига тўлиқ икки соат ўтади. Тун узайиши жараёни, айниқса, тўқсонда яққолроқ намоён бўлади. Чилла киргандан сўнгра — 25 декабрдан эса кун узая бошлайди. Дастлаб ҳар икки кунда бир дақиқадан қўшилади. Халқимиз нақлида айтилганидек, "Тўқсонда тўрғай одими билан, қантар оғса, қарға одими билан кунлар узаяди".

Йилда бир марта кузатиладиган шаби ялдо баъзи Шарқ халқларида ўзгача шоду хуррамлик билан кутиб олиниб, байрам сифатида нишонланади.

Совуқ об-ҳаво жадий ойига хос хусусиятдир. Шунингдек, бу ойда ёғингарчиликлар кўп бўлади. Чунки қиш чилласининг асосий қисми шу пайтга тўғри келади-да! Халқимиз ибораси билан айтганда, "Ой қўтанласа ойда, қуёш қўтанласа кунда ёғади".

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, минтақамизда ёғингарчиликнинг асосий қисми жадийга тўғри келади. Айрим йиллари илиқ келгани ҳам бор гап. Лекин қиш қишлигини қилгани маъқул. Нуроний отахон ва онахонларимиз дуога қўл очишар экан, "Қиш қишдай бўлсин", дея юзларига фотиҳа тортишади. Бинобарин, бу фасл об-ҳавосида гап кўп. У келгуси йил деҳқончилигининг баракаси, чорванинг барорини белгилаб беради. Ёмғир — барака, қор — ризқ демакдир. "Қор ёғди, дон ёғди" мақоли замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Шу кунларда ёққан қор ғаллага кони фойда. У кузги буғдой майсалари устини кўрпадек қоплаб, экинни қаҳратоннинг изғиринларидан асрайди. Кўклам келгач, қорлар эриб, ғалла томирига куч беради.

Шудгор қилинган ерларда қорнинг сингувчан сувлари нам сақлаб, озуқа вазифасини ўтайди. Энг муҳими, қишловчи заракунандаларга қирон келтиради. Чилла сувини, айниқса, боғбонлар ўзгача қадрлашади. Имкон бўлди дегунча дов-дарахтлар ва токзорларга чилла сувини оқизиш пайидан бўлади. Негаки, бу вақтда сувга қондирилган токзор ва мевазорлар ёзда сувни кам талаб қилади, мўл ҳосил тўплайди. Шунинг учун халқимиз жадийни барака ойи сифатида хушнудликда қарши олади.

**Р. САИДОВ** тайёрлади.

«LASER OPTICA»
клиникаси жамоаси
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2012 ЙИЛ БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!
*БАРЧАНГИЗГА СОҒЛИК-ОМОНЛИК, ОИЛАВИЙ БАХТ ТИЛАЙДИ.*



**УНУТМАНГ, ФАҚАТ БИЗНИНГ КЛИНИКАДА, ЯЪНИ** «Laser optica» кўрув ўткирлигини тиклаш марказида кўз касалликларини дунё стандартларига мос ҳолда юқори малакали ташхислаш ва даволаш усуллари йўлга қўйилган.

**Жумладан:**
Миопия, гиперметропия ва астигматизм касалликларида вужудга келадиган кўзойнак ва контакт линзаларга муҳтожликдан халос қилиш учун эксимерлазер жарроҳликларидан ЛАСИК, ЛЭСИК ҳамда ФРК амалиётлари, шунингдек, кўз туби хасталикларида лазер ёрдамида турли хил даволаш муолажалари ва жарроҳликлари ўтказилади.
Катаракта касаллигида кесмасиз ва чоксиз ҳолда, ультратовуш ёрдамида факоэмульсификация қилинади.
Глаукома хасталиги микроинвазив жарроҳлик ҳамда консерватив йўл билан даволанади. Шу тариқа доимий кузатув учун яратилган диагностик тадбирлар (тўр парданинг когерент томографияси ва бошқалар) касалликнинг батамом йўқолишига ёрдам беради.
Шоҳпарданинг кератоконус хасталигида ЦИСИС амалиёти ўтказилиб, жараён ривожланиши тўхтатилади ҳамда кўрув ўткирлиги тикланади.
Шоҳпарданинг бошқа оғир касалликларида кератопластика амалиёти билан тўқимани кўчириб ўтказиш юқори малакада амалга оширилади.
Қовоқдаги пластик амалиётлар, косметик жарроҳликлар ҳам йўлга қўйилган.
Одам организмининг турли касалликларида (қандли диабет, гипертония ва бошқалар) учрайдиган кўз тўр пардасининг кўпчилик ўзгаришлари инъекцион даволаш ёрдамида орқага қайтарилади.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
(+99897) 492-22-20, (+99897) 745-55-50.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 210,6 ▼ -0,3 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 185,9 ▲ +1,0 | АРМАТУРА 3269,5 ▼ -398,9 | ШИФЕР (1 лист) 13026 ▲ +360 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5